

bu yaqqol ko‘rinadi:

far /fɑː(r)/ adj (**father** or **further**; **farthest** or **furthest**) uzoq, yiroq.

Misolda “far” sifatining qiyosiy darajasi sifatida berilgan “father” so‘zi aslida ot turkumiga xos bo‘lib, “ota” ma‘nosini bildiradi. Bu yerda asli bizga kerakli so‘z “farther”.

Ravishda ham yuqorida “far” sifatida bo‘lgani singari xatoni ko‘rish mumkin: **far** /fɑː(r)/ adv (**father** or **further**; **farthest** or **furthest**) uzoqda

Nostandart fe‘llarning o‘tgan zamon va o‘tgan zamon sifatdosh shakli ham ularning bosh so‘z sifatida berilgan infinitiv (fe‘lning noaniq) shaklidan so‘ng qavs ichida berilgan: **arise** /əˈraɪz/ v [I] (pt **arose**; pp **arisen**) vujudga kelmoq.

Bosh so‘z sifatida inglizcha noto‘g‘ri fe‘lning o‘tgan zamon va o‘tgan zamon sifatdoshi shakllari berilgan bo‘lsa uning ma‘nosi o‘sha fe‘lning infinitiv (fe‘lning noaniq) shakliga havola qilingan: **went** pt of **GO**

gone pp of **GO**

Ayrim ma‘nodosh olmoshlarning farqi, ishlatilish o‘rni tushunarli bo‘lishi uchun lug‘at maqolasi ichida grammatik ma‘lumotlar keltirilgan: **some** /səm; strong form sʌm/ det, pron. 1. bir oz bir qancha, bir miqdor. ►► In negative sentences and in questions we use **any** instead of **some**. But look at 2 for examples of questions where **some** is used. 2. (ijobiy javob umidida berilgan savolda qo‘llaniladi)...

Umuman aytganda, lug‘atda grammatik ma‘lumotlar imkon qadar keng va to‘liq berilgan:

one² /wʌn/ pron 1. (gapdagi to‘ldiruvchini qayta ifodalash uchun qo‘llaniladi) 2. one of -dan biri (bittasi) ►► **One of** is always followed by a plural noun. The verb is singular because the subject is **one**...

Grammatik rod kategoriyalariga e‘tibor yuqori: **goose** /guːs/ n (pl **geese** /giːs/) [C] g‘oz. ►► A male goose is called a **gander** and a young goose is a **gosling**.

Misolda g‘oz so‘zining tarjima sifatida berilishidan tashqari ingliz tilidagi erkak g‘ozga nisbatan ishlatiladigan varianti ham berib o‘tilgan.

Lug‘atda mualliflar variantlilikka juda katta e‘tibor qaratgan. Berilgan lug‘at maqolasining Buyuk Britaniyada ishlatiladigan varianti Amerika variantidan farqli bo‘lsa ular ham quyidagicha berib o‘tilgan: **agonize** (also **agonise**) /ˈæɡənaɪz/ v. [I] uzoq vaqt fikr yuritmoq...

American football (**US football**) n [U] amerikanacha futbol...

Bular qatoriga “anaesthetic, analyse, annexe, antagonize” so‘zlarini ham qo‘sha olamiz.

Endi navbat transkripsion variantlilikka: **alimony** /ˈælɪməni; US -məʊni/ n. [U] aliment.

amen /ˈɑːˈmen; US eɪˈmen/ interj amin, omin.

Qo‘llanmadagi ham Amerika, ham Britaniyada ishlatiladigan transkripsion varianti ko‘rsatilgan so‘zlarga “amenity, apparatus, aptitude, arbitrary, harbour” kabi so‘zlarni ham kiritish mumkin.

Lug‘at ayrim transkripsion xatolardan xoli emas. Fonetik transkripsion belgilar orasiga so‘roq “?” belgining aralashib ketishi:

accumulator /əˈkjuːmjʊˈleɪtə/ n. [C] akkumulyator, to‘plagich.

affability /æfəˈbɪləti/ n. [U] ...

Belgining tushib qolishi: **adulation** /ˈædʒəˈleɪʃ(ə)n/ n. [U] xushomad. (aslida bu so‘z transkripsiyasi /ˈædʒəˈleɪʃ(ə)n/ shaklida berilishi maqsadga muvofiq).

Belgining tushib qolishidan tashqari, biror belgining o‘rniga boshqasining qo‘llanilishi: **agitation** /ˈdʒɪˈteɪʃn/ n. [U] 1. agitatsiya, tashviqot, targ‘ibot...

Berilgan misoldagi transkripsiyada “æ” belgisi tushirib qoldirilgan, “j” belgisi o‘rnida esa “s” belgisi ishlatilgan. To‘g‘ri variant quyidagicha /ˈædʒɪˈteɪʃn/.

Qo‘llanmadagi “aqualang” so‘zida ham shunga o‘xshash hol.

Lug‘atda ba‘zan alifbo tartibining buzilish holatiga duch kelish mumkin. Misol uchun “drown” so‘zidan keyin “drawsy” va “drudgery” so‘zlari berilgan. Bir qarashda bu so‘zlar ketma-ketligi buzilmaganday ammo “drown” so‘zining uchinchi harfi “o”, “drawsy” so‘zlarining uchinchi harfi “a”, “drudgery” so‘zining uchinchi harfi “u”. Demak ketma-ketlik quyidagicha bo‘lmoqda: o – a – u.

Lug‘at oxirida nostandart otlar, fe‘llar har xil sohalarga aloqador qisqartma (abreviatura)lar, sinonim va antonimlar, ingliz tilidagi ot va sifat turkumiga xos so‘zlarning predloglar bilan ishlatilishi bo‘yicha ro‘yxati, lug‘atda foydalanilgan qisqartma va shartli belgilar ro‘yxati ilova qilingan.

Mazkur maqola kelajakda yaratilajak lug‘atlar sifatini yaxshilashga hissa qo‘shishiga umidvormiz. Lug‘at til o‘rganishda milliy ta‘lim dasturiga mos qilib yaratilsa uning qiymati yuqori bo‘ladi.

Adabiyotlar

1. Isaqov U., Rahimov M., Sobirov B., Temirov S., Isaqov Sh. Inglizcha-o‘zbekcha lug‘at. –T.: “Yangi asr avlodi”. 2005.
2. Isaqov U., Rahimov M., Sobirov B., Temirov S., Isaqov Sh. Inglizcha-o‘zbekcha lug‘at. –T.: “Yangi asr avlodi”. 2013.

РЕЗЮМЕ

Maqolada lug‘at sistemasining tizimli tadqiq usuli, component tahlil qilish, qiyoslash, tavsiflash, tasniflash usullaridan foydalanilib U. Isaqov, M. Rahimov, B. Sobirov, S. Temirov, Sh. Isaqovlarning inglizcha-o‘zbekcha lug‘ati tuzilishi tamoyillari tanqidiy tahlil qilindi, yutuq va kamchiliklari misollar bilan ko‘rsatilgan holda uni takomillashtirishga qaratilgan tavsiyalar ishlab chiqildi.

РЕЗЮМЕ

В этой статье собраны принципы англо-узбекские словари были исследованы и показаны их преимущества и недостатки с примерами и разработаны практические рекомендации по совершенствованию принципов составления словарей следующего поколения с помощью сравнительно-типологического метода, компонентный анализ и методы классификации.

SUMMARY

In this article compiling principles of U. Isaqov, M. Rahimov, B. Sobirov, S. Temirov, Sh. Isaqov’s English-Uzbek dictionaries were investigated and shown their advantages and disadvantages with examples and practical recommendations for improving compiling principles of the next generation of dictionaries were worked out.

КОМБИНАТОР ТИЛШУНОСЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ БАЗАВИЙ ТИЗИМИ

Б.А.Юнусова - ўқитувчи

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: когнитив лингвистика, денотатив маъно, коннотатив маъно, дистрибуция, дескриптив тилшунослик, коллокация, коллигация.

Ключевые слова: когнитивная лингвистика, денотативное значение, коннотативное значение, распределение, описательная лингвистика, словосочетание, коллигация.

Key words: cognitive linguistics, denotative meaning, connotative meaning, distribution, descriptive linguistics, collocation, colligation.

Комбинатор тилшунослик фанига Ф. де Соссюр, З.Харрис, Дж.Р.Фёрс, Л.Ельмслева, Л.Теньер, Н.Хомский, Ю.Д.Апресян, В.Г.Гак, А.К.Жолковский,

И.А.Мельчук, А.А.Уфимцева каби хорижий ва рус тилшунос олимларнинг асарлари илмий-назарий, методологик жихатдан асос бўлди. Комбинатор

тилшунослик бир йўналишдаги фан эмас, балки кўп тармоқли фандир. Чунки у нафақат, тилшуносликнинг нутқий фаолият, нутқий актлар назариясига дахлдор масалаларни балки лексик семантика, психоллингвистика, когнитив лингвистика, прагматика, корпус лингвистикаси, компьютер лингвистикасига оид муаммоларни ҳам қамраб олади.

Комбинатор тилшунослик алоҳида фан сифатида тил бирликларининг комбинатор хусусиятларини ўрганади ва ўзининг алоҳида терминлар базасига эга. Фаннинг терминологик базаси 250 дан ортиқ терминларни ўз ичига олиб, тилшуносликнинг бошқа соҳа терминлари билан ҳам кесишади. Комбинатор тилшуносликнинг базавий тушунчалари орасида *синтагматика, комбинаторика, валентлик, позиция, боғланиш, дистрибуция, контекст, коллокация, коллигация* ва бошқаларни кўриш мумкин.

Позиция – муносабат логикасига асосланган тилшуносликда ҳар қандай гапнинг мазмуний ва грамматик асоси кесим ҳисобланади. Ана шу иккинчи назария бўйича гап таркибидаги ҳар қандай бўлак ўз ичида майда бўлақлардан ташкил топиши мумкин бўлган бутунлик бўлиши мумкин. Гап бўлақлари муайян синтактик позицияда бўлиб, таянч нукта ҳисобланувчи кесимга (предикатга) боғланади. Улар кесимнинг «бўш ўринлари»ни тўлдириб, унга нисбатан маълум вазият (позиция)да келади. Кесимнинг «бўш ўрин»ларини тўлдириб, маълум синтактик вазиятда келувчи эга, ҳол, тўлдирувчи позициясидаги синтактик бирликлари моддий жиҳатдан бир морфологик шакл ёки бир неча морфологик шакллардан ташкил топади.

Гап таркибида иштирок этган сўз шакллари ўзаро муносабатда бўлади. Ана шу муносабат синтактик таҳлилга позиция тушунчасини олиб кириш имконини беради. Позицияни бундай тушуниш муайян нутқ замирида бир аъзонинг позицияси бошқасига нисбатан белгиланмаслигини, позицияга кўра мустақиллигини таъқозо этади. Ана шу аъзо гап тузилишининг маркази, муносабатлар занжири келтириб чиқаришнинг таянч нуктаси ҳисобланади.

Дескриптив тилшунослик тил тузилишини ифода ва маънодан ташкил топган бутунлик, деб тушунади ва ифода тузилишини тилнинг бош компоненти, деб ҳисоблайди [1]. Дескриптивчиларнинг таъкидлашлари-ча, сегментация, субституция, дистрибутив таҳлил тилнинг ҳар қандай аспектини тадқиқ этишда қўлланилиши мумкин. **Дистрибуция** (лот. distributio – ажратиш, тарқатиш). Бирор тил бирлигининг нутқда бошқа тил бирликлари қуршовида қўлланилиши мумкин бўлган ва қўлланилиши мумкин бўлмаган доиралар (контекстлар) йиғиндисидир, яъни гап қисмларининг бир-бирига нисбатан жойлашиши асосида тил бирлигининг ўрни, тартиби, бириктириши каби хусусиятларидир. Тил бирликларининг дистрибуцияси фонема учун маълум фонеманинг олдида ва кетидан келадиган фонемалардир, морфема учун эса морфемадан олдин ва кейин келадиган морфемалардир [2].

Элементлар дистрибуцияси атамаси остида шу элементларнинг барча қуршовлари йиғиндиси тушунилади. Дистрибутив лингвистикада икки товуш ўртасидаги уч хил муносабат ажратилади. Бундай муносабат типлари дистрибуция моделлари дейилади [3]. Демак, дистрибуция моделларининг куйидаги турлари белгиланади: а) контраст дистрибуция; б) қўшимча дистрибуция; в) эркин алмашиниш дистрибуцияси.

Дистрибуция моделларининг бу турлари Н.С.Трубецкойнинг фонема ва унинг вариантларини белгилашнинг уч қоидасини эслатади. Икки элемент бир хил позицияда (қуршовда) бири ўрнида иккинчиси келиб, маънони фарқлаш вазифасини бажарса, бу элементлар контраст дистрибуция муносабадида бўлган ҳисобланади. Масалан, *том, ном, жом* сўзларининг

биринчи сегментлари *т, н, ж* бир хил позицияда келиб, маъно фарқлаш вазифасини бажариб, ўзаро контраст дистрибуция муносабадидадир. Ўзаро контраст дистрибуция муносабадида бўлган элементлар икки моҳиятнинг вакиллари ҳисобланади. Икки элемент бир хил позицияда бири ўрнида иккинчиси кела олмаса, бу элементлар ўзаро қўшимча дистрибуция муносабадида бўлган саналади. Масалан, *бил* сўзи таркибидаги *и* ўрнига шу қуршовда *ы* ни қўллаб бўлмайди, ёки *қыл* сўзи таркибидаги *ы* ўрнига шу қуршовда *и* ни қўллаб бўлмайди. Демак, *и* ва *ы* товушлари ўзаро қўшимча дистрибуция муносабадидадир. Қўшимча дистрибуция муносабадида бўлган икки сегмент бир моҳиятнинг турли вакиллари саналади.

Боғланиш. Синтаксис, бир томондан, сўз шакллари-нинг боғланиш қоидаларини, иккинчи томондан, таркибида бу қоидалар рўёбга чиқадиган бир бутунликни – гапни ўрганади. Англашиладики, морфологик бирлик бўлган сўзнинг шакли ҳам синтаксис учун аҳамиятлидир. Лекин фақат сўзнинг бошқа шакллари билан алоқаси ва синтактик бирлик ичида унинг бир қисми сифатида бажарадиган вазифаси нуктаи назаридангина синтактик қимматга эга бўлади. Боғли нутқнинг ахборот ташувчи энг кичик бирлиги ва шундай бирликларнинг умумлашган намунаси гапдир.

Синтаксис лексика билан ҳам узвий боғлиқ. Синтактик категориялар ўзаро алоқада бўлган муайян вазият элементларининг вазифаларини ифодалайди. Маълум бир вазифа бажараётган вазият элементи муайян белгиларга эга бўлади ва бу белгилар шу элементнинг тилдаги моддий ифодаси бўлган лексик сўз маъносида акс этади. Ўзаро синтактик муносабатга киришаётган синтактик бирликлар ўзларининг грамматик маънолари билангина эмас, балки лексик маънолари билан ҳам уйғунликни ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам ўзаро бирикаётган сўзлар танлаш хусусиятига эга бўлади. Масалан, **қурқ** сўзининг лексик маъносида товукка хос бўлган белги акс этади. Шунинг учун ҳам бу сўз барча предмет билдирувчи сўзлар билан эмас, балки фақат товук сўзи билангина боғланиш хусусиятига эга. Бу эса сўзларнинг ўзаро боғланиши шу сўзларнинг маъно тузилиши билан, уларнинг маъно тузилишидаги муайян семалар уйғунлиги билан узвий боғлиқ эканлигини, сўз бирикмасининг лексика билан чамбарчас алоқадор эканлигини кўрсатади.

Бундан кетма-кетлик муносабати фақат нутққа хос деган хулосага келмаслик керак. Кетма-кетлик муносабати имконият ва воқелик диалектикасини ўзида мужассам қилган ҳолда тилга ҳам, нукка ҳам хосдир. Ҳар қандай кетма-кетлик муносабати маълум тилда амал қилувчи муайян қоидалар, андозалар асосида майдонга келади. Бундай қоида, андозалар ижтимоий моҳиятга эга бўлиб, у ёки бу тилнинг ҳар бир вакили онгида тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Нутқ жараёнидаги реал бирикма эса ана шу қоида ва андозалар асосида юзага чиқади. Ҳар бир лисоний бирикнинг бошқа лисоний бирикка боғланиш имконияти мавжуд бўлади. Грамматик жиҳатдан боғланиш мумкин бўлган бириклар ҳам агар мазмуний мослик бўлмаса, боғлана олмайди.

Масалан, *йиғламоқ, кулмоқ, муштирамоқ* сингари лексемаларнинг мазмуний мундарижасида *одам* лексемаси билан боғланиш имконияти мавжуд. Ўз навбатида *одам* лексемасининг мазмуний мундарижасида *йиғламоқ, кулмоқ, муштирамоқ* лексемалари билан мазмуний мос келадиган (шу ҳаракатларни юзага чиқара олиш) сема мавжуд. Ҳар икки лисоний бирикда мавжуд бўлган ўша бир-бирига мос сема уларни ўзаро мазмуний ва грамматик муносабатга киришувига йўл очади. Аксинча, *тош* лексемаси билан *емоқ*, лексемаси ўртасида юқоридаги каби мазмуний уйғунлик йўқ. Шунинг учун ҳам улар ўзаро мазмуний боғланиш имкониятига эга эмас.

Кўринадики, тил эгалари онгида тайёр ҳолда мавжуд бўлган лисоний бирликларнинг ўзаро қўшилиш қоидалари, андозалари тил сатҳига ана шу қоида ва андозалар асосида бевосита кузатишда намоён бўлган чексиз ҳосилалар, конкрет бирикмалар нутқ сатҳига мансубдир.

Синтагматик муносабат ёрдамида тилнинг бош вазифаси коммуникатив вазифаси амалга ошади. Синтагматик муносабат хусусида кейинги бўлимда батафсил маълумот бериб ўтамыз.

Денотатив маъно сўзнинг борлиқдаги нарса, ҳодиса, предмет, белги ва шу қабилар ҳақида маълумот берувчи компоненти аташ (номинатив, денотатив) маъно бўлиб, у сўз семантикасидаги бирламчи ва асосий компонентидир. **Коннотатив маъно** эса аташ маъносининг нутқий имкониятларини, сўзловчининг шахсиятини юзага чиқарувчи маъно сифатида аҳамиятлидир [4]. Сўз семантик структурасининг асосий компоненти аташ маъноси бўлиб, унинг устига қурилган қўшимча маънолар коннотатив маънодир. Қўшимча маънолар дейилганда, сўзнинг аташ маъносига қўшимча тарзда, яъни эмоционал – экспрессив оттенка ва стилистик белги берувчи маъноларнинг юкланиши тушунилади.

Э.Қиличев, Б.Қиличевлар эса коннотатив маънонинг (К) сўз семантикасида (С) денотатив маъно (Д) ажралгандан кейин ҳосил бўлган айирмага тенглигини кўрсатадилар. Яъни: $K = C - D$. Уларнинг қайд этишларича, сўзнинг коннотатив маъноси нафақат контекстда, балки муайян синонимик қаторда ҳам юзага чиқиши мумкин. Бунда коннотатив маъно сўзларнинг парадигматик муносабати асосида белгиланади [5]. Демак, коннотатив маъно парадигматик муносабат асосида юзага келса, комбинаторика синтагматик муносабатда юзага чиқади.

XX аср охирида **контекст** тушунчаси когнитив тилшунослик ва психоллингвистика соҳаларида ҳам кенг қўлланила бошлади. Бу йўналишдаги изланишлар тил жамоаси онгида тарихан шаклланган ва унинг тилида барқарорлашган дунё ҳақидаги тасаввурлар, дунёни англаш ва олам лисоний манзарасининг бардавомлигини, тарихий даврлараро тил жамоасида тириклиги ва ворисийлигини, авлоддан авлодга ўтиб келаверишини таъминлаши ҳақидаги билимлар контекст орқали намоён бўлади. Мазкур йўналишдаги изланишлар инсонларнинг ички дунёсини ўрганишга имкон беради (Ю.Н.Караулов, В.И.Карасик, И.А.Стернин ва бошқалар).

Коллокация ва коллигация тушунчалари Лондон мактаб вакиллари томонидан Ж.Р.Фёрс бошчилигида қўлланилди. Бунда контекст лексик вазиятда **коллокация** деб номланиб, ушбу одатий, доимий муҳитда ҳаракат қиладиган элемент сифатида намоён бўлади ва грамматик жиҳатдан **коллигация** деб номланади, бир хил шароитдаги грамматик формани билдиради. Социоллингвистик концепция доирасида коллокация деганда, ўрганилаётган сўзнинг маълум сўзлар билан доимий боғланиши тушунилади. Бу ҳосланган, тез-тез учраб турадиган сўз бирикмалари, уларнинг биргаликда пайдо бўлиши мунтазам эканлигига асосланиб грамматик эмас, балки соф семантик омилдир.

Коллигация сўзларнинг боғланиши ва боғланиш

категориялари бўлиб, морфологик-синтактик боғланиш инobatга олинади. Коллигация сўзлар ўртасида боғланиш ва уларни синфларга, категорияларга бўлинишида намоён бўлади. Бу морфологик-синтактик шароитда бирлашиб, тил бирликларининг боғланишини таъминлайди. Бундай ўрганиш тил бирлигини атрофлича таҳлил қилишни назарда тутди. Ушбу атама конструкция таркибидаги элементлар ўртасидаги муносабатни, коллокацияга қарама-қарши ҳолатда алоҳида лексик элементлар ўртасидаги боғлиқликни англатади.

Коллокация бу характерли ва кўп учрайдиган сўз боғланишлари бўлиб, бунда грамматик боғланиш эмас, семантик боғланиш инobatга олинади.

Рус тилшунослигида коллокация ва коллигация терминлари хусусида О.А.Ахманова, С.Г.Тер-Минасова, М.В.Влавацкая ва бошқаларнинг асарларида учрайди. Коллокация – нутқда сўз бирикмаларини лексик-фразеологик шартланганлиги, кўп маънолилиги (полисемия) сифатида амал қилади. Коллигация – нутқда сўз бирикмаларини морфологик-синтактик шартланганлиги, кўп маънолилиги (полисемия) сифатида амал қилади.

Идиомалардан фарқли ўларок, коллокациялар одатда сўзларни маъносининг ўзгариши жараёнида, сўз бирикмалари компонентларининг қайта англаш натижасида юзага келади. Коллокацияларнинг асосий белгиси сўз бирикмаларининг лексик маъносини барқарорлиги билан сақлаб қолишдир.

Ҳозирги босқичда коллокация тушунчасини ўрганиш билан лексик семантика - лексик синтагматика шуғулланмоқда. Коллокация корпус лингвистикасида анъанавий тилшуносликдан кўра ўта соддалашган маънода қўлланилган. Корпус лингвистикасида статистик ёндашув асосида нутқда юқори частотага, статистик барқарорликка эга бўлган сўз бирикмалари сифатида қаралади [6]. «Мазмун-матн» қолипнинг назариясига кўра тилдаги сўз бирикмалари *эркин ва турғун (эркин бўлмаган)* турларга бўлинади: эркин бирикмадаги ёки гапдаги боғланиш нутқ жараёнида, нутқ билан бир пайтда содир бўлади; фразема (прагматема, идиома, коллокация, квазиидиома)даги боғланиш эса нутқ пайтидан анча аввал юзага келиб, турғунлашиб қолади, инсон хотирасида ва тилда яхлитлигича сақланади; эркин бирикмадаги ёки гапдаги сўзларни сўзловчи ўз ихтиёри билан алмаштира олади: *"кенг кўча"* бирикмаси ўрнида *"тор кўча"* бирикмасини, *"мен ўқийман"* гапи ўрнида *"мен ишлайман"* гапини қўллаши мумкин, аммо *"юлдузни бенарвон урмоқ"* бирикмаси ўрнида *"юлдузни нарвонсиз урмоқ"*, *"юлдузни шотисиз урмоқ"*, *"юлдузни бешоти урмоқ"* бирикмалари қўлланмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, комбинатор тилшунослик барча фан соҳалари билан кесишади, бунда боғланишнинг умумий ва хусусий муаммолари доираси камраб олинади. Лекин аниқроқ қилиб айтилган бўлсак, мазкур масаланинг, асосан, икки жиҳати бор: биринчидан, синтагматик, яъни сўзларнинг боғланиши, тил бирлигини ўрганишда семантик ёндашувга асосланади, иккинчидан, парадигматик, комбинаторикани ўрганадиган ёки ягона маъно асосида ономонологик ёндашув асосида амалга оширилади.

Адабиётлар

1. Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. – Москва: 1959. –С.33.
2. Усмонов С. Умумий тилшунослик. –Тошкент: 1972. 103-б.; Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: 2010. 101-б.
3. Березин Ф.М. История лингвистических учений. – Москва: 1975. – С.257; Нурмонов А. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: 2012. 127-б.
4. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва: УРСС, 2004. –С.199.
5. Тер-Минасова С.Г. Синтагматика функциональных стилей и оптимизация преподавания иностранных языков. –М.: Московский университет, 1986.
6. Захаров В.П. Анализ эффективности статистических методов выявления коллокаций в текстах на русском языке. // Захаров В.П., Хохлова М.В. Конференция по компьютерной лингвистике «Диалог 2010».

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада комбинатор тилшуносликнинг базавий тушунчалари: синтагматика, комбинаторика, позиция, боғланиш, дистрибуция, контекст, коллокация, коллигация яъни сўзларнинг боғланиш категориялари ҳақида сўз юритилган.

В статье рассматриваются основные понятия комбинаторной лингвистики: синтагматика, комбинаторика, положение, связь, распределение, контекст, словосочетание, коллигация, т.е. категории соединения слов.

This article discusses the basic concepts of combinatorial linguistics: syntagmatics, combinatorics, position, connection, distribution, context, collocation, colligation, the categories of connection of words.

ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛЫҚ ЕРТЕКТЕРІ ТИЛИНДЕГІ ЕЛИКЛЕҮІШ КОМПОНЕНТТІ ФРАЗЕОЛОГИЗМДЕРДІҢ ФОНЕТИКА-ЛЕКСИКАЛЫҚ ӨЗГЕШЕЛІКТЕРІ

Б.Т.Юсупова – филология ылымдерінің кандидаты, доцент

Әжанияз атындағы Нөкіс мәмлекеттік педагогикалық институты

Таянч сұзлар: бадий асар тили, эртақлар тили, фразеологизм, тақлид сұз компонентли фразеологизмлар, фразеологизмларнинг фоностилистик хусусиятлари, фразеологизмларнинг лексик хусусиятлари.

Ключевые слова: язык художественный литературы, язык сказок, фразеологизм, фразеологизмы с подражательным компонентом, фоностилистические особенности фразеологии, лексические особенности фразеологии.

Key words: the language of fiction, the language of fairy tales, phraseological units, phraseological units with an imitative component, phono-stylistic features of phraseology, lexical features of phraseology.

Қарақалпақ тилинің фразеологиялық системасында фразеологизмдер сеслік қурылысы, мәнилік көп түрлілігі, структуралық өзгешелігі, стиль түрлеріне бейімделуі және т.б. жағынан өзгешеленіп келеді. Әсіресе, көркем әдебиет стилінде олардың орны гирейлі. Қарақалпақ әдебиеті жанрларының барлық түрлерінде өз орны және зәрурлігі менен қолданылған фразеологизмдердің пикирдің өткірлілігі, образдылығы, көркемлігі үшін атқаруының үлкен хызметтері бар. Фразеологизмдердегі сеслік көркемлі олардың тәсірлендігін билдіретуының қуралдардың бири болып, сеслік үйлесімге қурылған фразеологиялық бирліктер бир қанша өзіне тән сыпатлы белгілері менен ажыралады.

Еликлеуіш сөзлер – «...айрықша мәниге – еликлеу, көркемлеу, образдылық мәнілеріне ийе» [7:429] бирліктер. Қарақалпақ тилиндегі еликлеуіш сөздердің лексика-семантикалық, фонетикалық, грамматикалық, жасалуы өзгешеліктері және синтаксистік хызметтері У.Ембергенов тәрепинен арнаулы изертленген болып, жұмыста олардың фразеологизм компоненті сыпатында хызмет атқаруы үйренілмеген. Ал, фразеология мәселелері изертленген жұмыстардың ишінде Ж.Ешбаев фразеологизмдерді сөз шақаптарына қатнасына қарай таллау жасауда олардың қурамында еликлеуіш сөздердің қатнасуына дыққат қаратады: «д) фразеологиялық дизбектердің тийкаргы компоненті еликлеуіш сөздерден де болады: Мысалы: 1. Жабаны көзі шалған ат жылауы босағаннан кейін «шабандозын» көтеріп алып алға қарай зып беріп *хайт қойды*. (А.Бекимбетов) 2. ...Қадирбай үй бетке қарай *зып берди*. (А.Бекимбетов) 3. Самбайды көзі илип кетіп, қутылмасын билді де, тұрған жерден *тән берди*. (Ө.Хожаниязов) Илимпаз: «Еликлеуіш сөзлі фразеологиялар болған ямаса болып атырған ис-хәрекетті образлы түрде, оның шалтлығын көрсетеді және фейил сөз шақабын жасайды» [2:17] деп атап өтеді. Ал, Г.Айназарованың [1:32-42] мийнетінде теңлес еки компонентлі фразеологизмдердің фонетикалық өзгешеліктері арнаулы бөлімге ажыратылып талланған. Ж.Тәңірбергеновтың жұмысында еки компонентлі фейил фразеологизмдердің структуралық жақтан бир модели сыпатында еликлеуіш сөз+фейил типіндегі фразеологизмдер көрсетіледі: «12) еликлеуіш сөз+фейил: *зып беруі, қылт етпеу, ыңқ етпеу, мыңқ етпеу, шұрқ етпеу, шырт етуі, хайт қойуы*» [6:20]. Солай етип, қарақалпақ тил билиминде эвфониялық сыпаттағы фразеологизмдер арнаулы изертлеуді күтип тұрған әхмийетлі мәселелердің бири есапланады.

Еликлеуіш сөзлер, тийкарынан, сеске еликлеуіштер оноματοпея термини менен де аталады. Қарақалпақ тилиндегі сөзліктерде олар былай түсіндіріледі: «Звукоподражание (оноματοпея) – сеске еликлеу. Табияттағы хәр қыйлы сеслерге, ысқырық, күлкі усаған гейпара процесслерге және хайуанатлардың дауысына еликлеу: мыау-мыау, тақ-туқ» [5:79].

Қарақалпақ тилинің фразеологиялық системасында сеске және көриніске еликлеуден келип шығатуының еликлеуіш компонентлі фразеологизмдер айрықша бир топарды пайда етеді. Тилде еликлеуіштердің өзіне тән атқаруының хызметтері болып, көркем шығармалар тилинде олар айрықша тәсірлілік үшін пайдаланылады.

Еликлеуіштер сеслік ықшамлығы, бууын санының қурамы, азлығы, мәнілері жағынан ажыралып, олар қурылысы бойынша дара, жуп және тәкирар түрінде келеді. Мақалада қарақалпақ тилиндегі дара еликлеуіш компонентлі фразеологизмдер қарақалпақ халық ертектелері тили мысалында сөз етиледі.

Фразеологизмдердің компонентлік қурамында мәнилі және көмекші сөз шақаптарынан тысқары, еликлеуіш сөздер де фразеологизмдерді дөретіуде олардың әхмийетлі бир компоненті сыпатында қатнасады. Айырым жағдайларда фразеологизм қурамында еликлеуіш сөздер өзінің тийкаргы мәнісін сақласа, гейде мәнісін жойылтып, ауыспалы, астарлы мәниге өтип қолланылады. Солай етип, сеслер және көриніслерге еликлеуден пайда болған еликлеуіш сөзлер фразеологизмдер қурамында келип, бир пүтін фразеологиялық мәни дөретіуде қатнасып, образлы, эмоциональ-экспрессивлі мәнілерді пайда етеді.

Көркем әдебиет тили хәр қандай миллий тилдің бай фразеологиялық қоры жәмленген ең образлы, ең көркем және тәсірлен сөз үлгиси болып табылады. Қарақалпақ ауыз әдебиеті фразеологизмдердің қолданылуы жағынан бай және реңбе-рең көриніске ийе. Ал, ертектелер тилинде еликлеуіш компонентлі фразеологизмдердің өзіне тән көркемдік, тәсірлілік хызметтері бар.

Қарақалпақ халық ертектелерінің тили фразеологизмдерге оғада бай болып, онда халықтың ең ерте дәуірлерден берлі сақланып, әуладтан әуладқа өтип қиятырған әжайып көркем сөз үлгілері орын алған. Ертектелер арасында өзінің сеслік көркемдік өзгешеліктеріне ийе болған фразеологизмдер ушырасады. Олар ең зәрур орынларда үлкен шеберлік пенен пайдаланылып, ой-пикирді тәсірлі жеткеріп беріуде үлкен көркемдік қуралға айналғанын көріуге болады. Мысалы: 1. «Қалада *жылт еткен от* болмасын, қыймылдаған жан болмасын». («Абат батыр» ертегі) 2. Таудың басына барып тулыпты жыртады. Жансап ишинен *өрре тура келеді*. («Жансап» ертегі)

«Фразеологизмдер инсанның минез-құлқы, ишки дүньясы, сыртқы көринісін сүүретлеуде унамлы және унамсыз семалары менен қолданылуының өзіне тәнлігі, айырмашылықтары, мәни отенкалары арқалы ертект тилинің көркемдігін тәмийінлеу үшін хызмет атқарады» [4:22].

Еликлеуіш компонентлі фразеологизмдер ис-хәрекеттердің оғада тезлік пенен исленгенлігін билдіреді. Мысалы: 1. Сол замат ауыз қабағын толтырып